

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ЎРОҚОВ ОЛИМЖОН ҲАЙИТБОЕВИЧ

**НУРОТА ВОҲАСИ АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ
ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАРДАН
Фойдаланишнинг замонавий усуллари**

**18.00.01-Архитектура тарихи ва назарияси. Архитектура
ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2022 й.

**Архитектура бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавления автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по архитектуре**

**Contents of dissertation abstract of doctor of
philosophy (PhD) on architecture**

Ўроқов Олимжон Ҳайитбойевич

Нурота воҳаси архитектура ёдгорликларининг тарихий шаклланиши,
ривожланиши ва улардан фойдаланишнинг замонавий усуллари 3

Уроков Олимжон Ҳайитбойевич

Историческое формирование и развитие архитектурных памятников
Нуратинской долины и современные методы их использования..... 22

Urokov Olimjon Hayitboevich

Historical formation and development of nurota valley architectural monuments and modern
methods of their usage 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published

works.....45

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.А.11.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ**

ЎРОҚОВ ОЛИМЖОН ҲАЙИТБОЕВИЧ

**НУРОТА ВОҲАСИ АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИНИНГ
ТАРИХИЙ ШАКЛЛАНИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА УЛАРДАН
Фойдаланишнинг замонавий усуллари**

**18.00.01-Архитектура тарихи ва назарияси. Архитектура
ёдгорликларини таъмирлаш ва қайта тиклаш**

**АРХИТЕКТУРА БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент 2022 й.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси B2021.1.PhD/A64 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Самарқанд давлат архитектура-қурилаш университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида <http://www.taqi.uz/interaktiv-xizmatlar/taqi-ilmiy-faoliyati/ixtisoslashgan-kengashlar/122-ixtisoslashgan-kengashlar.html> ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Нозилов Додо Авазович
архитектура фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зияев Абдуманоп Абдурахимович
архитектура фанлар доктори, катта илмий ходим

Пулатов Хайрулло Шомуборакович
архитектура фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

**Камолиддин Бехзод номидаги Миллий
рассомлик ва дизайн институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.A.11.02 рақамли илмий даражалар берувчи Илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:100011, Тошкент, А.Қодирий кўчаси, 7В-уй. Архитектура факультети мажлислар зали. Тел.:+99871 235-43-30; факс: +99871 234-15-11; web: www.taqi.uz; e-mail: devon@taqi.uz.)

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 7-уй. Тел.: +99871 234-60-16.

Диссертация автореферати 2022 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2022 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

К.Дж. Рахимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раис ўринбосари, техника фанлари доктори, профессор

Ш.С. Рейимбаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, архитектура фанлари номзоди, доцент

А.А. Саидов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенган қошидаги Илмий семинар раиси, архитектура фанлари номзоди, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда Халқаро майдонда тарихий ёдгорликлар архитектурасини ҳимоялаш, реставрация ва сақлаш долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Ҳозирги кунда, дунёда тарихий меъморий ёдгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланишга оид самарадор йўналиш бўйича ЮНЕСКО ташаббуси билан 413 та қадимий шаҳарлар ҳудудидаги Умумжаҳон моддий-маданий мерос ёдгорликлари рўйхатга киритилган 1007 та объектлардан 779 таси меъморий ёдгорликлар эканлиги диққатга сазовордир.”¹ Илғор мамлакатларда инновацион технологиялар ёрдамида ёдгорликларни музейлаштириш, уларнинг виртуал моделларини яратиш жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда, ҳозирда мавжуд архитектура обидаларини таъмирлаш, археологик қазишмаларда аниқланган бино ва иншоотларни консервациялаш ва қайта тиклаш зарурати жаҳон олимларининг диққат эътиборида эканлигини кўрсатмоқда.

Жаҳон миқёсида тарихий ёдгорликларни муҳофаза қилишда атроф-муҳитнинг асосий ҳажмини ташкил қилувчи қадимий архитектура ёдгорликларини сақлашга қаратилган чора тадбирлар эътиборга лойиқ. Дунё миқёсида қадимий маданий мерос объектларининг юзага келиши, эволюцион тараққиёти, шаҳарсозлик тизимини сақлаш, археология ва архитектура ёдгорликларини қайта тиклаш ва таъмирлашга бағишланган илмий тадқиқотларда тарихий, меъморий ёдгорликларни асл ҳолатда сақлаб қолиш йўллариини такомиллаштириш, маданий, меъморий ёдгорликлардан туризм салоҳиятини ошириш учун самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу тадқиқотларда меъморий ёдгорликларнинг ўзига хос тарихий-меъморий хусусиятларини аниқлаш, тарихий ҳудудларнинг саёҳлик имкониятларини янада ошириш, маданий мерос объекларидан самарали фойдаланиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида миллий кадриятлар, халқимизнинг бой тарихи, моддий-маданий ёдгорликларига эътибор тубдан ўзгарди. Сўнгги йилларда маданий меросимизни янада чуқурроқ ўрганиш, халқаро ва ички туризм салоҳиятини ривожлантиришда улардан самарали фойдаланиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. “Бой тарихимиз дурдонаси бўлган маданий меросимизни асраб-авайлаб, келажак авлодлар учун безавол етказишимиз зарур”². Бугунги кунда юртимизнинг тарихий шаҳарларида мавжуд архитектура ва археология ёдгорликларини асраш, таъмирлаш ишларини олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Навоий вилояти Нурота туманида жойлашган қадимги давр, илк ўрта асрлар, ўрта асрлар ва ундан кейинги давр меъморий ёдгорликларини асл кўринишини илмий жиҳатдан ўрганиш ва даслабки кўринишини график қайта тиклаш, ҳудуднинг шаҳарсозлиги ва меъморлигида архитектура ва археология ёдгорликларининг тутган ўрнини аниқлаш долзарб аҳамиятга эга.

¹ Список всемирного наследия ЮНЕСКО <http://wbe.unesco.org/en/list>.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномаси. 29.12.2020.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ва 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек 2018 йил 16 январдаги 5181-сонли “Моддий, маданий ва археологик мерос объектларини сақлаш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори ва шу соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. Ахборотлаштирилган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилиш даражаси. Диссертация мавзусига доир илмий тадқиқот ва илмий ишлар сони ўта камчиликни ташкил қилади. Улар кўпроқ, оммабоп мақолалар, китоблар ва газеталарда эълон қилинган тарихий маълумот, фикр ва мулоҳазалардан иборат холос, Нурота шаҳри воҳаси бўйича эълон қилинган кам сонли мақолаларда мазкур диссертация мавзусига доир айрим фикрлар, илмий умумлашмалар ва мулоҳазалар берилган. Жумладан, З.Жижемский³, А.Хорошхиннинг⁴ мақолаларида ва В.А. Нильсеннинг⁵ монографиясида Нурота шаҳри қадимий қисми тарҳи ва шаҳарнинг муҳофаа деворлари ҳақида фикр мулоҳазалар берилган.

Я.Ғуломовнинг⁶ мақоласида Нурота шаҳри қалъа қисмининг тарҳи ва Пироста деворининг схематик тарҳи ва унинг тузилиши ҳақидаги далиллар келтирилган. Д.А.Нозиловнинг мақолаларида Нурота шаҳри марказининг 1970-80 йиллардаги ҳолати, тарҳи, диний ва жамоат обидалари илмий таҳлил этилган. Улар қаторига, унинг “Культовый центр Нураты”⁷ мақоласи киради. Шунингдек, Нурота воҳасидаги катта диний иморатлар мажмуасига эга Ғозғон шаҳрининг Шоҳимардон номи билан машҳур меъморий мажмуаси таҳлиliga Д. Нозиловнинг “Культовый центр села Газган”⁸ номли мақоласи ҳам бағишланган. Ғозғон шаҳри тош ўймакор усталарининг ижодий фаолияти ва нақшлари тури “Декоративное искусство” журналида ўз аксини топган⁹, унинг тоғ муҳандислик иншоотларига бағишланган мақоласида¹⁰ эса Нурота иншоотлари ҳам акс эттирилган. Шунингдек, Ғозғон сангтарошлари

³ Жижемский З. Ирригационное дело в долине Зерафшана. “Туркестанские ведомости”, 1888, №5

⁴ Хорошхин А. Самарканд, “Туркестанские ведомости”, 1877, № 8.

⁵ Нильсен В.А. Архитектура Средней Азии. –Ташкент: Фан, 1966.

⁶ Гулямов Я.Г. Нур Бухарский // Этнография и археология Средней Азии. –М.,1979.

⁷ Назилов Д.А. Культовый центр Нураты (XVI –начало XXвв)// АСУ, №3, 1989.

⁸ Назилов Д.А. Культовый комплекс в Газгане// АСУ,7, 1988.

⁹ Назилов Д.А. Камнерезы села Газган //Декоративное искусство. – М., 1989, № 5.

¹⁰ Назилов Д.А. Инженерные сооружения в горных районах Узбекистана // САУ – Ташкент, 1977, №3.

ижодига Л.Жукованинг¹¹ мақоласи (1978 й.) бағишланган. Археологларнинг мақолаларида ҳам Нурота қалъаси¹², дарвозалари¹³, сув иншоотлари¹⁴ ҳақида маълумотлар бор. Нурота тарихига оид илмий оммабоп мақола¹⁵ ва китоблар мавжуд, улар қаторига Бобохоновнинг “О некоторых древних гидротехнических сооружениях Узбекистана” китоби, А.Мухаммаджановнинг “Гидротехнические сооружения” номли китоби, А.Б. Мирзаев, К.Аҳматқуловларнинг “Нурота тарихи”¹⁶, Р.Аҳмедов, Шавкат Исмоилзода¹⁷, Ш.Аҳмедов¹⁸ А.Эргашев, Н.Давлатова, А.Пирматов¹⁹ ва бошқаларнинг²⁰ тарихий лавҳалари, мақолалари қиради.

Хуллас, мазкур муаммонинг ўрганилиш даражасини таҳлил қилишдан шу нарса аниқландики, кўтарилган диссертация мавзусига шу чоққача жиддий илмий ёндашувлар бўлмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф.1-023 «Ўзбекистон архитектураси назарияси ва тарихи, меъморий қадриятлар ва анъаналаримизни тадқиқ қилиш ва улардан самарали фойдаланиш» (2018-2022 йй.) фундаментал мавзу доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Нурота шаҳри ва воҳаси меъморчилигининг тарихий шаклланиш ва ривожланиш босқичларини, архитектуравий ёдгорликлари ва гидротехник иншоотлари типологиясини, обидалар архитектураси ва уларга хос хусусиятларни, очиб бериш, Нурота шаҳри қадимий қалъасини график қайта тиклаш таклифини ишлаб чиқаришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Нурота шаҳрининг вужудга келиши, шаклланиши ва тарихий ривожланиш босқичларини аниқлаш ва илмий очиб бериш;

Нур қалъаси ва унинг таркибий тузилишини тадқиқ қилиш ва аниқлаш;

Нур воҳаси меъморий ёдгорликлари ва гидротехник иншоотлари типологиясини аниқлаш ва таснифлаш;

Нурота шаҳри ва воҳаси меъморий ёдгорликлари архитектурасини очиб бериш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Нур қалъасини график қайта тиклаш ва унинг асосида қалъанинг

¹¹ Жукова Л.И. Образцы художественной резьбы по мрамору из Нураты // История и археология Средней Азии. – Ашхабад, 1978.

¹² Суянов С.С., Мамиров О., Раҳмонов Ҳ. Нур қалъаси тўғрисида янги маълумотлар //Ўзбекистон археологияси, 2019, №2 (19).

¹³ Раимкулов А.А. К вопросу о “Северных железных воротах” Согда /ИМКУ.Вып.38.–Самарқанд,2012.

¹⁴ Мухаммаджанов А. Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи. – Тошкент, 1972, 373 бет.

¹⁵ Шавкат Исмоилзода Нурота – Нурли диёр. – Тошкент, 2016

¹⁶ Мухаммаджанов А. Гидротехник иншоотлар .-Т. ,1972

¹⁷ Мирзаев Б., Аҳматқулов К. Нурота тарихи. – Тошкент, 2019.

¹⁸ Аҳмедов Ш. Ҳозир тарихини биласизми? / Mahalla. Ижтимоий-сиёсий, маънавий маърифий газетаси. – Тошкент, 2021 й., №16.

¹⁹ Пирматов А. Нуротадан нур таралди// Халқ сўзи рўзномаси, 2002, 24 июнь.

²⁰ Уралов А. Нурота коризлари “Шаҳарсозликни шакллантиришда илм-фан ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий этишнинг долзарб муаммолари”, 2009, 22 апрель

макетини яратиш;

Нурота меъморий ёдгорликларидан фойдаланишнинг замонавий усулларини аниқлаш ва бу масалада келажакдаги самарали усулларни белгилаш ва тавсия беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Нурота шаҳри ва воҳасида ўтмишдан бизгача сақланиб қолган меъморий ва археологик ёдгорликлар, ҳозирда зиёратгоҳлар тарзида фойдаланилаётган Нурота чашмаси атрофидаги тарихий мажмуалар, обидалар ҳамда туман ҳудудидаги тарихий гидротехник иншоотлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети Нурота воҳаси архитектура ёдгорликларининг тарихий шаклланиши, ривожланиш босқичлари, типологиясининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, илмий аниқлаш, ушбу обидаларни сақлаш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш йўлларини белгилаб бериш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари Диссертацияда археологик, қиёсий-типологик таҳлил, архив материаллари, таққослаш, фотофиксация қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Нур қалъасининг муҳофаза девори тоғ чўққисининг ташқи гардиши бўйлаб ўтганлиги; турар хоналар ташқи ёндош қурилганлиги, қалъанинг марказидаги баландликда Нурота амири қабулхоналари ва унинг турар хоналари жойлашганлиги, қалъанинг кириш қисмидаги пастликда ҳовли бўлганлиги аниқланган;

Нур воҳасида гидротехник иншоотларининг ўзига хослиги, жумладан, шаҳар марказидаги чашмадан сув тўрт ариқ орқали бутун шаҳар гузарларига тақсимланганлиги, шаҳар ташқарисида сувсиз ерларни ўзлаштириш учун коризлар барпо этилганлиги ва уларнинг (мастон) қудуғи сайёз коризлар, (калта) 5-10 гача кориз, икки томони баланд девор билан чегараланган (узун) кориз турлари аниқланган;

Нурота шаҳри атрофидаги Чилустун жума масжиди, марказидаги саккиз қиррали тобадоннинг ёруғлик беришдан ташқари вақт меъёри сифатида фойдаланганлиги, Панжвақта катта гумбазли масжидининг меҳроби икки ёнида иккита ҳужранинг борлиги ва гумбаз ости конструктив асослари билан XII-XIII асрларларга оидлиги, ҳаммом тузилиши классик ечимга эгаллиги аниқланган;

Нурота шаҳридаги архитектура ва археологик ёдгорликларни ривожлантириш, улардан самарали фойдаланиш, ички ва ташқи зиёрат туризимини бойитиш мақсадида туристик маршрут схемаси лойиҳалари ишлаб чиқилган ва 3D виртуал моделлари яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Нурота воҳаси меъморий ёдгорликлари, гидротехник иншоотларининг типологияси ҳамда Нур қалъаси ва унинг таркибий тузилиши аниқланган;

Архитектураси ва композициявий тузилиши илму фанга номаълум бўлган Нур қалъасининг график реконструкцияси ишлаб чиқилган;

Нурота воҳасининг тарихий ҳудуди ҳозирги вақтда Навоий ва Самарқанд вилоятларига тегишли бўлган иккита алоҳида туман (Нурота ва Қўшработ туманлари)га бўлиниб кетганлиги ва ушбу туманларда тарихий шаклланган зиёратгоҳ масканларининг мавжудлигини эътиборга олиб, воҳада янги туристик маршрутларни: 1) Навоий-Ғозғон-Зулқарнайн-Нурота; 2) Нурота-Жўш-Қўрғон; 3) Нурота-Қўшработ-Миришкор маршрутларини ташкил этиш таклиф этилган;

Нурота меъморий ёдгорликларидан фойдаланишнинг замонавий анъаналари аниқланди ва самарали йўллари белгилаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган илмий ёндошув усуллари ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, хулосалар ва натижалар натурал ва илмий ўрганиш усули асосида аниқланганлиги ҳамда кўп сонли илмий мақолаларда ўз аксини топганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ваколатли ташкилотларида амалиётга жорий этилганлиги ҳақидаги далолатномалар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тадқиқот материаллари ва уларда ишлаб чиқилган тавсия ва таклифларнинг Нурота архитектурасини ўрганишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ривожлантиришда ва Ўрта Осиё меъморчилиги тарихини ўрганувчи таълим йўналишларини Навоий вилояти архитектураси ҳақидаги материаллар билан бойитишда ўз аксини топганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистонда туризмни ривожлантиришда тоғ меъморчилигининг ва Нурота чашмасининг роли ва ўрнини кўрсатишдан, Нурота воҳасининг меъморий ёдгорликларини таъмирлаш лойиҳаларини бажаришда ва уларда қўлланилиши зарур бўлган қурилиш материаллари ва ашёларини белгилашдан, Ўзбекистон сайёҳларига Нурота воҳасининг жозибadorлигини ошириш ва шу йўл билан туризм соҳасидан тушадиган даромадларни кўпайтиришдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нурота воҳаси архитектура ёдгорликларининг тарихий шаклланиши, ривожланиши ва улардан фойдаланишнинг замонавий усуллари мавзуси бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Нур қалъасининг мудофаа девори тоғ чўққисининг ташқи гардиши бўйлаб ўтганлиги; турар хоналар ташқи ёндош қурилганлиги, қалъанинг марказидаги баландликда Нурота мири қабулхоналари ва унинг турар хоналари жойлашганлиги, қалъанинг кириш қисмидаги пастликда ҳовли бўлганлигига оид хулосалардан Маданий мерос агентлиги Нур қалъасига инвестиция лойиҳаларини шакллантиришда ҳамда туризм объектларини архитектуравий ва археологик ёдгорликлари дизайнини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Спорт Вазирлиги ҳузуридаги Маданий Мерос агентлигининг 2022 йил 8 январдаги 01-06/29-сон маълумотномаси). Мазкур илмий ва амалий тавсияларнинг амалиётга жорий қилиниши ички туризмни ривожлантириш, туризм соҳасида хизмат

турларини кенгайтириш ва хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ҳамда "Нурота Чашма" зиёратгоҳини замонавий талабларга мос бўлган, худудий омилларни ҳисобга олган ҳолда туристик марказлар ташкил этишга, уларнинг архитектуравий ва меъморий муҳитини шакллантиришга, худудга ташриф буюрувчи маҳаллий ва хорижий туристлар оқимини кўпайтиришга хизмат қилган;

Нурота шаҳри атрофидаги Чилустун жума масжиди, марказидаги саккиз қиррали тобадоннинг ёруғлик беришдан ташқари вақт меъёри сифатида фойдаланганлиги, Панжвақта катта гумбазли масжидининг меҳроби икки ёнида иккита хужранинг борлиги ва гумбаз ости конструктив асослари билан XII-XIII асрларларга оидлиги, ҳаммом тузилиши классик ечимга эгаллигига оид хулосалардан Туризм ва Маданий Мерос Вазирлиги фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризм ва Маданий Мерос Вазирлигининг 2022 йил 5 апрелдаги 18-18/819-сон маълумотномаси). Натижада, зиёрат Нурота шаҳрининг туризм салоҳиятини оширишга ҳамда ички туризм фаолиятини ривожлантиришга эришилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши. Диссертация ишининг натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 7 та мақола (улардан 2 таси халқаро), 5 та илмий тезислар (улардан 1 таси халқаро) конференция материалларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертацияда кириш, 3та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Иловада меъморий атамалар луғати, таҳлилий жадваллар, расм ва чизмалар келтирилган. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, ишнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилиниб, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Нурота шаҳри ва унинг тарихий шаклланиши ҳақидаги умумий маълумотлар” деб номланган I бобида Нурота шаҳрининг вужудга келишида Нур чашмасининг роли ва ўрни, чашма меъморий мажмуасининг шаклланиши, Нурота шаҳри ва тарихий обидаларининг қўлёзмалар ва манбаларда акс эттирилиши, Нурота шаҳрининг тарихий шаклланиши ва ривожланиш босқичлари, Нур қалъаси ва унинг таркибий тузилиши, Нурота ва унинг атрофидаги қишлоқларда жойлашган қадимий қалъа ва меъморий обидалар тадқиқ қилинган

Нур чашмаси атрофидаги иморатлар ва мудофаа деворларининг қолдиқлари илмий адабиётларда илк ўрта асрлар билан белгиланган. Нур чашмаси атрофидаги маданий қатлам эса милoddан аввалги минг

йилликларга бориб тақалади. Нур шаҳри ҳақидаги илк маълумотларни Искандар Зулқарнайнинг Ўрта Осиёга қилган ҳарбий юришларига (эрамиздан олд. IV аср) бағишланган асар ва бошқа тарихий манбаларда ҳам учратиш мумкин. Бундан англашиладики, Нур Бухородан ҳам қадимийроқ шаҳардир.

Қадимги Нур шаҳри, Нурота тоғ тизмаси қирлиги этагидаги чашма қошида ва унга туташган текисликда жойлашган. Шаҳарнинг текисликдаги қисми иккита мудофаа девори билан ўралган. Биринчи девор шаҳарнинг шаҳристон қисмини ўраб олган бўлса, катта ва кенг иккинчи девор шаҳар жойлашган воҳани, яъни рабодни қамраб олган. Ички ва ташқи қадим деворлар дарвозалари марказий кўча билан боғланган бўлиб, кўчанинг икки томонида рабодлар, карвон-саройлар, савдо иншоотлари ва гузарлар жойлашган. Шаҳарнинг тоғ тизмасида жойлашган қадимий қалъанинг (кухиндиз) атрофи ҳам ўз мудофаа минораларига эга баланд девор билан ўралган.

Нурота мудофаа деворининг ўзига хос томонлари шундаки, чашма юқорисида қурилган эни 6 метр, узунлиги 80 метрли юқорига қараб кўтарилган девор, тарҳда тўртбурчак шаклидаги маёқ вазифасини ўтувчи минора билан тугатилган. Маёқ тоғ ёнбағрининг юқори қисмини эгаллайди. Маёқ миноранинг тоғ чўққисида қурилиши Нурота атрофини кузатиш имконини берган. Девор устида йўлак бўлиб, соқчилар унинг устида юришган. Йўлакнинг шарқ томони девори бир метрдан зиёд баландликдаги девор билан чегараланган. Мудофаа деворининг жанубий қисмидаги иккита тарҳда доирасимон мудофаа миноралари шаҳарнинг жанубий қисмидан келиши мумкин бўлган душманлар хужумини қайтаришга қаратилган. Жанубга тик йўналтирилган қисми эса, шарқ томондан бўлган хужумларни қайтариш имконини берган.

Нур чашмасига туташ қирлик устига Нур қалъаси қурилган. Қалъа дарвозаси чашма билан кўп поғонали тош зина орқали боғланган. Нур чашмасининг суви тўрт ариққа бўлиниб, шаҳарнинг жанубий шарқ ва шимол томонларидаги гузарларига ва улар таркибидаги маҳаллаларга йўналтирилган. Шу сабабдан, шаҳарнинг ушбу қисмлари тарихан ривожланиб борган. Шаҳар шаҳристони 4 та йирик гузарлардан таркиб топиб, уларнинг ҳар бири майда маҳалларга бўлинган. Нуротада жами бўлиб 36 маҳалла бўлган. Улар қаторига: 1) Араб гузар: Чашма, Саидато, Оқмасжид, Хавзак, Хўжаи Жаҳон маҳалласи; 2) Ўрта гузар: Сарибозор, Домаҳалла, Туркҳо, Содик маҳалла, Қул маҳмад, Мозори Чилла, Будукгузар маҳаллаларига; 3) Миришкор гузар: Кўл, Дуоба, Достон, Луччак, Осиёи баланд, Миришкор маҳаллаларига; 4) Равоти Тўлғон гузар: Турк гузар, Лула, Авазхожа, Сариосиё, Равоти Тўлғон маҳаллаларига бўлинган.

Гузарларнинг маданий марказлари асосан масжидлар биносидан ташкил топган. Жумладан, Араб гузарда: Саидато, Чуқурлик масжиди, Оқмасжид, Шакарак масжиди, Баргсўз масжиди, Ҳавзак масжиди, Хўжаи Жаҳон масжиди. Ўрта гузарда: Сарибозор масжиди, Домаҳалла масжиди, Турко масжиди, Содик Хўжа масжиди, Қулмуҳаммад масжиди, Мозори

чилла масжиди, Будуқ масжиди. Миришкор гузарида: Дуоба, Достон, Осийи баланд, Миришкор масжиди. Работи Тўлғон гузарида: Турк масжиди, Лўла масжиди, Авазхужа масжиди, Сари Осий масжиди, Работи Тўлғон масжиди. Гузар ва маҳаллаларда масжид, нонвойхона, чойхона, устахона, мехмонхона бўлган.

Шаҳар марказини эса чашма атрофида қурилган иморатлар: Панжвақта, Жомеъ масжиди, Жума масжиди, работлар, ҳаммом, чойхоналар, бозорлар, кейинчалик мадраса иморати ташкил бўлган. 1826-1827 йилларда Нур қалъаси қайта қурилиб, “Янги - Қўрғон” номи билан фаолият кўрсатган. Нур шаҳри унинг атрофида жойлашган қишлоқлар ва қадимий майда қалъа-қўрғонлар билан доимий маданий ва савдо алоқаларида бўлган. Нурота шаҳрининг шифобахш ва мўъжизавий чашмаси ва унинг қошидаги Жомеъ, Панжвақта масжидлари ва бошқа мадарий иморатлар бўлганлиги туфайли Нурота зиёрат шаҳри - “Ҳазрати Нурота”га айланган. Нурота чашмаси қошидаги меъморий мажмуа таркибига чашманинг ўзидан ташқари, чашма атрофида тарихан шаклланган масжидлар, мадраса, ҳаммом, карвон-сарой (работ), чойхона, бозор иморатлари кирган. Бу иморатларнинг жойлашиш саҳни бу ердаги мавжуд рельеф туфайли, бир-биридан фарқ қилган ва улар ўзаро зинапоя, табиий нишабликлар ва йўлаклар билан боғланган. Ушбу иморатлардан иккитаси: Панжвақта ва Жоме масжидлари мажмуада меъморий доминант ролини бажариб, қолган иморатлар уларга мутаносиб тарзда мазкур мажмуанинг рельефи ва табиатига уйғунлашиб кетган.

Нуротага яқин жойлашган Ғазғон меъморий мажмуаси эса “Шоҳимардон” номи билан машҳур. У асосан масжид, мақбара, уларни туташтирувчи айвон, кириш пештоқи ва унинг икки ёнидаги хужралардан иборат. Мажмуа композицияси ихчам ва шинам кўринишга эга. Мажмуанинг сатҳи билан чегарадош қисми мавжуд рельефга мослаштирилган. Мажмуа иморатлари асосан тошдан ишланган. Мажмуанинг умумий кўриниши ўзининг гумбазлари туфайли атрофдаги тоғ ёнбағри ва табиий нишабликлар билан композицион тарзда уйғунлашиб кетган. Мажмуадаги масжид биноси бу ерда ҳам доминант ролини бажаради. Масжид ва узунчоқ тарҳли мақбара ҳам мажмуа композициясига пештоқ қисми ва хужралари билан айвон орқали бирлаштирилиб, композицион яхлитликни таъминлайди.

Диссертациянинг **“Нурота шаҳри ва воҳасининг меъморий типологияси”** деб аталган II бобида Нурота воҳасининг табиий иқлим шароити, Нурота воҳасидаги меъморий ёдгорликлар, муҳандислик ва гидротехник иншоотлар типологияси, турар жойлари, жамоат бинолари, Нурота воҳасининг зиёратгоҳ жойлари, муҳандислик ва гидротехник иншоотлар конструкциялари, Нурота шаҳри меъморий ёдгорликларида олиб борилган таъмирлаш ишлари, Нурота шаҳри меъморий ёдгорликларининг шаклланишида маҳаллий қурилиш ва иқлим шароитларининг ҳисобга олиниши масалалари очиб берилган.

Нурота воҳасинининг табиий иқлим шароити, асосан, лалмикор ва дашт ҳамда Нурота тизма тоғлари (Оқтов ва Қоратов)дан шаклланган тоғ олди ва суғорма деҳқончилик, чўл яйловларидан ташкил топган иссиқ ва қурук

иқлимли ҳудудни ўз ичига олади. Бу ҳудудларда шимол тарафдан эсувчи тўзонли қаттиқ шамоллар ва жанубдан оқиб кировчи “гармсел”лар таъсири ҳам сезиларли бўлади.

Нурота воҳасининг меъморий ёдгорликлари типологиясига бу воҳада қадимдан шаклланиб, ўтроқлашган чорвадор аҳолининг турар жойлари, суғорма ва лалми деҳқончилик билан шуғулланувчи аҳолининг уй жойлари, тоғолди зонасида яшовчи аҳоли турар жойлари, ушбу воҳага беклик қилган ҳукмдорларнинг қалъа-саройлари кирса, жамоат бинолари типологиясига ушбу воҳада шаклланиб, ўтмишда қурилган масжидлар, карвон-саройлар, савдо бинолари, мадраса, ҳаммом ҳамда Нурота воҳасининг зиёратгоҳ мажмуалари: Нурота чашмаси мажмуаси, Баҳодир Ялангтўш онасининг мақбараси, Ғозгон мавзеси зиёратгоҳи, Эргаш Жуманбулбул ўғли ёдгорлиги музейи каби иморат ва масканлар киради.

Нурота воҳаси меъморий ёдгорликлари ва маданий мерос объектлари қаторига юқорида келтириб ўтилган тураржой уйлари, жамоат бинолари ва зиёратгоҳ масканларидан ташқари, бу воҳада қадимдан шаклланган гидротехник иншоотлар: коризлар, табиий чашма ва булоқлар, ҳовузлар, қудуқлар ва сарбандлар киради. Бундай турдаги иншоотлар маҳаллий аҳолининг суғорма деҳқончилик соҳасидаги ишлари ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотларининг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилган. Муҳандислик ва гидротехник иншоотлар ҳақида аниқ мисоллар келтирилди ва уларнинг конструктив тузилишларига ҳос томонлари ёритилди. Ўтмишда Нурота шаҳрининг меъморий ёдгорликларида бир қатор таъмирлаш ва қайта қуриш ишлари ҳам олиб борилган бўлиб, уларнинг айримларида ижобий натижаларга эришилган бўлса аксариятида камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, Нурота шаҳрида Нурота чашмаси қошида қурилган обидалар масжид ва мадраса, ҳаммом биноларида таъмирлаш ишлари бажарилган. Бироқ, чашма ҳудудида қурилган қадимий Панжвақта масжиди биносининг гумбази бузилишидан сўнг бинони қайта қурилганда, бино сезиларли даражада кичрайтирилган, бу эса ҳолат мазкур обиданинг архитектурасига салбий таъсир кўрсатган. Бундан ташқари, мазкур мажмуа таркибига кирган қадимий ҳаммом биноси тушунарсиз сабабларга кўра асл тарзи ва архитектураси бузиб юборилган. Реставрация давомида обиданинг тарзи ўзгартирилиб юборилган, яъни обиданинг ўрта қисмида пештоқ ҳам ўрнатилган. “Чилустун” масжидининг кўча томон тарзига эса пештоқ қўшилган.

Нурота шаҳри меъморий ёдгорликларининг шаклланиши ва уларнинг архитектурасида маҳаллий қурилиш материаллари ва иқлим шароитларининг таъсири катта бўлган. Хусусан, Нуротада Ғозгон мармар конининг мавжудлиги ва табиий тошларнинг арзонлиги воҳадаги меъморий ёдгорликлар қурилишида ушбу қурилиш материалларидан фойдаланиш, йўлга қўйилган. Шунингдек тураржойлар қурилишида эса ёғоч синч деворлар, хом ғишт, гувала, табиий тошлар, устунли-тўсинли қурилмаларни қўллаш натижасида, уй иморатларини қишки ва ёзги қисмларга бўлиб, уларни ёпиқ ва ярим очик муҳитлар (хона ва айвонлар, пешайвонлар) қуриб

ишлашга имкон берилган. Тоғ тураржой меъморчилиги ҳажмий фазовий композицияси биринчи навбатда уйнинг тарҳи билан белгиланади. Тураржой хоналари билан хўжалик хоналарининг ўзаро боғлиқлиги билан, иқлим, табиат ва географик ландшафти билан белгиланади.

Диссертациянинг III боби “Нурота шаҳри ва воҳаси меъморий ёдгорликларининг архитектураси ва улардан фойдаланишнинг замонавий усуллари” деб номланиб, унда Нурота шаҳри меъморий ёдгорликларининг архитектураси ва интерьерлари, Нурота воҳаси тоғлик худудлари иморатларининг архитектураси, Нурота меъморий ёдгорликларида қўлланилган қурилиш материаллари ва ашёларининг таҳлили, Нур қалъасини график қайта тиклаш, Нурота меъморий ёдгорликлари ва гидротехник иншоотларидан фойдаланиш масалалари бўйича тавсиялар берилган. Нурота шаҳри меъморий ёдгорликлари архитектураси Ўрта Осиё меъморчилиги тарихининг таркибий қисми ҳисобланиб, Ўзбекистон тарихидаги гидротехник (коризлар, сарбандлар, сув айиргичлар) ва муҳандислик (кўприклар, йўллар) иншоотлар бунёд этиш бўйича катта тажрибага эга воҳада жойлашган шаҳардир.

Нурота шаҳри атрофи деярли текис ва деҳқончиликка қулай майдонларни ташкил қилган. Бу ерларда сув масаласи муаммо бўлган. Шунинг учун маҳаллий аҳоли кориз қазиш йўли билан Нурота атрофидаги чўлларни ўзлаштиришган.

Нурота атрофида 366 кориз бўлган. Коризлар бир нечта қудукдан ва ерости ариғидан ташкил топган. Коризларнинг қудуқлари сони 100 дан ошган. Жумладан, Мастон коризининг 280 та қудуғи бўлиб, бош қудуқнинг чуқурлиги 14 метр ва лахмининг узунлиги (ер ости йўлак (тоннел) 3 километрга етган. Коризнинг қудуқлари орасидаги устки қисми “пушта” деб аталган. Қувондиқ исмли кишининг коризи 150 қудукдан ташкил топган. Қудуқларнинг суви йиғилиб катта ариққа оқиб чиққан ва хўжаликлар экин майдонига йўналтирилган. Қизиғи шундаки, кориздаги қудуқлар бир неча шахсга тегишли бўлиши мумкин бўлган. Ҳар бир шахс қудуғининг сонига қараб боғини суғорган. Кимнинг қудуғи кўп бўлса, у боғини шунча кўп суғорган. У қудуғини сотиш ва ижарага бериш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Коризларни қуриш ўзига хос талаб ва анъаналарга эга бўлган. Коризни қовлашдан олдин ер нишаби аниқланган.

Таdqикотчиларнинг ёзишларича, ҳар бир жамоадаги кориз сувидан фойдаланувчи деҳқонларнинг сони қатъий белгиланган. Жумладан, кичикроқ коризларда кориздор жамоа 24 кишидан ва каттароқ коризларда 36 кишидан ортмаган. Коризлар жамоа кучи ёки маблағига қурилганлиги учун у шу жамоа мулки ҳисобланган. Нурота коризларининг ҳар биридан ўрта ҳисобда секундига 40-50 литр сув оқиб чиқиб, 40-50 гектаргача ер майдонини суғорган.

Нурота воҳаси тоғ зоналарида асосан уч турли конструкциядаги тарнавалардан фойдаланилган. Улардан биринчиси пайрам номи билан маълум бўлиб, у худди девор каби қўтарилган бўлиб, ўртасидан ариқ ўтган.

Унинг девори қирқимда юқори томон қисқариб, шакли трапецияга ўхшаб кетган.

Иккинчи турдаги тарновлар тошдан кўтарилган ёки ёғоч тиркагичларга ўрнатилган бўлиши мумкин. Бундай тиркагичлар баландлиги жарликнинг саёз, чуқурлигига қараб ўзгариб турган. Тошдан таянч қалашнинг иложи бўлмаган жойларда ёғоч ишлатилган. Тошдан таянчни баланд кўтаришнинг иложи бўлмаган пайтда, унинг устига яна ёғоч тиркагич ўрнатилиб, сўнг устига тарнов ётқизилган.

Учинчи турдаги тарновлар тоғ ёнбағрига туташтириб ёки девор шаклида қояга қапиштириб қурилган. Унинг пастки қисми кенг бўлиб, юқори томон кичиклашиб борган. Бундай тадбир унинг мустаҳкамлигини таъминлаган. Унда деворнинг усти бўйлаб ариқ ётқизилган. Бундай тарнов Ухум қишлоғида “аржам” деб юритилган.

Таъкидлаш лозимки, тарновларнинг барча турлари функционал вазибаларидан ташқари, ўзларининг қурилиш ашёлари, конструктив асослари маҳаллий ландшафтга боғланганлиги ва табиийлиги билан шаҳар ёки қишлоқ кўркига кўрк қўшган.

Тоғларда, ёз ойларида сув кескин камаёди. Сувни сақлаб қолиш учун маҳаллий аҳоли сойнинг баҳавороқ жойларида йирик сув ҳовузлари ёки сарбанд - тўғон барпо этишган. Бундай тўғонлардан бири Нурота воҳасининг Осмонсой қишлоғи яқинида Х асрда бунёд этилган. У “Хонбанди” деб юритилган. Тўғон хоро (гранит) тошлардан йўниб қурилган бўлиб, тошлар сувга чидамли махсус қоришма билан бир – бирига маҳкам бириктирилган. Тўғон қурилгач, Осмонсой дараси ичида узунлиги 1,5 км, эни тўғон олдида 52 м ва дара оғзида 200м катталиқдаги сув омбори ҳосил бўлган.

Баҳорда Осмонсой ва Илончи сойлардан келадиган сел сувлари ана шу улкан ҳовузда тўпланган. Бу ерда тахминан бир миллион олти юз минг кубометр ҳажмдаги сув жамғарилган. XV асрда Абдуллахон ҳукмронлиги даврида ирригация иншоотлари қурилишига катта эътибор берилади. Шундай иншоотлар жумласига Нурота тоғ зонасида бунёд этилган Хонбанди сув омбори киради.

Хонбанди сув омборига тўпланган сув билан Қизилқумнинг Мирзачўл билан туташган чегарасида тахминан 1,5 минг гектар ер майдони ўзлаштирилиб, иншоотдан 6 километр шимолда мустаҳкам работ ва обод қишлоқ барпо этилган.

Шунга ўхшаш, лекин сув ҳажмининг тўпланиши жиҳатидан камроқ кичик бандлар, яъни сув омборлари деярли барча дараларда ҳам қурилган.

Катта сув омборлари ўзининг баландлиги, кенглиги, юқори томон кенгайиб бориши, деворининг ташқи томондан горизонтал бўлинмаларга бўлиниши, қурилган ашёлари билан қирғоқларидаги ландшафтга бирикиб, унинг нафақат функция жиҳатидан пухта муҳандислик асосга эгаллиги, шунингдек архитектуравий ечимлари билан ўзига хос композицияни ташкил қилади.

Сув омбори тўғони фасади ўзининг композицион ечими билан архитектуравий иншоот кўринишини олган. Кичик сойларда қурилган

сарбандлар гидротехник иншоотлар турига тааллуқли бўлишига қарамасдан улар тузилиши, композицияси, ишлатилган қурилиш ашёлари билан тоғ ландшафтига боғланиб чиройли табиий манзарани ташкил қилади.

Қишлоқларни шаҳар билан боғлаш учун йўллар бунёд қилинган. Қадимий йўллардан бири Нурота чўллари билан Зарафшон водийсини боғлайдиган карвон йўллардан бири милоннинг бешинчи асрларида бунёд қилинган. Бу йўл тоғ ёнбағри бўйлаб йўналган бўлиб у катта Қизилча қишлоғи атрофида тоққа бориб қадалади. Шу ерда у иккига бўлинади: бир ўзаги Нурота томон йўналади, иккинчиси тоғдан ўтадиган довонга бориб тақалади. Довон йўли Нурота тоғ тизмаси устидаги ярим текисликларга ва Зарафшон водийсига олиб боради. Мазкур йўлнинг бўйида ҳар 20-30 км. ораликда работлар бўлган. Уларнинг пойдеворлари ҳозирги кунда ҳам сақланиб қолган. Бизнингча, мўғиллар Нурота тоғ олди даштидаги илк ўрта (VI-VII) асрларга оид қадимий йўлдан бориб, Қизилча довонидан тоғ устидаги ялангликка чиқиб Охчоб йўлига туташган йўл орқали борган бўлишлари ҳам мумкин. Мазкур йўл Нурота орқали Бухоро билан Жанубий Қозоқстон вилоятлари ва Етгисойни бирлаштирган. Ўз вақтида Чордара яқинида Сирдарёдан сузиб ўтувчи (кўприк) мослама бўлган. Шу жойдан йўл ғарб томонга дашт орқали йўналган. Йўлнинг шу қисмида ҳар 30 километр масофада ўз ҳимоя деворига эга работлар пойдеворлари сақланиб қолган.

Нурота тоғ қишлоқларидан бири Темир қобик (халқ орасида Темир қобик номи билан маълум. Мазкур Темир Қобик қишлоғи ҳақидаги маълумотлар ўрта аср тарихчилари ҳамда археологлар асарларида таъкидланган. Мазкур далиллар қадимда Нурота тоғ зонасида Нурота воҳасига олиб борувчи йўл Темир қобик дарвозаси орқали ўтганлигидан далолат беради.

Эргаш Жуманбулбул ўғли халқ музейи ёдгорлигидан ҳозирги вақтда Нурота воҳаси аҳолиси учун зиёратгоҳ тарзида фойдаланилиб келинмоқда. Бунинг учун ушбу масканда барча шароитлар мавжуд. Диссертацияда ушбу гўзал масканни Нуротага ташриф буюрувчи чет эллик сайёҳлар учун ҳам зиёратгоҳ тизимига киритиш таклифи берилган.

Нурота воҳасида XX асрнинг 60-йилларида қурилган уйларда ҳам қадимий анъаналар кенг қўлланилган. Уларда ҳудуд рельефидан унумли фойдаланишган. Айрим уйларда рельеф ҳисобига юзага келган ҳовли кўпроқ хўжалик вазифасини бажарган. Уйларнинг томи турар хоналар блоки учун ҳовли вазифасини бажарган. Иккинчи ярусдаги тураржой хоналари баланд айвони билан бирга, бутун уй композициясида доминантлик вазифасини ўтаган. Биринчи ярус рельеф ҳисобига бир-биридан ён ёки орқа томонларга силжитилган турли ҳажмдаги горизонтал ва вертикал бўлинма ва блокларни бирлаштиради.

Тураржойлар тарҳи ва тарзи Нурота тоғ зоналарида тоғ ёнбағри рельефидан унумли фойдаланганликни кўрсатади. Шу боисдан ҳам уйлар тоғолди ҳудудларида бир нечта бўлинма ва блоклардан ташкил топган. Бўлинмаларнинг кенглиги ва баландлиги рельеф ҳисобидан ўзгариб турган.

Шу сабабдан, тоғ турар жойларидаги блоклар, бир-бири билан турли тарзда бирлаштирилган ва жозибатор композицияларни яратишга эришилган.

